



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида»ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон фармонида мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2013 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 9 август жума кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, 2013 йил 9 август дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифати-

да кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Махалла» жамғармалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тadbирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тadbирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 7 август

Инсон ҳуқуқи — энг олий қадрият

Мустақиллик, аввало, ҳуқуқ эканлиги мамлакатимизда инсон ҳуқуқи ва шаъни-ни ҳимоялаш борасида қилинаётган ишларда яққол намоён бўлмоқда.

3



Истиқлол имкониятлари

Мустақиллик юртимизга инъом этган улкан имкониятлар самараси Фарғона вилояти ҳаётида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар кўркемлашиб, турмуш фаровонлашиб бораётгани одамлар дунёқараши, онги ва тафаккури, ҳаётга бўлган муносабатини ҳам ўзгартирмоқда.

Маълумки, ҳар қандай натижа рақамларда ўз ифодасини топади. Фарғона вилоятида 2013 йил 1-ярим йиллик якунида 2208,3 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 108,8 фоизни ташкил этди. Ташқи савдо айланмаси 531,6 млн. долларни, шундан маҳсулот экспорти 239,4 млн. долларни ташкил этиб, ўсиш 115,8 фоизга етди.

Давлатга пилла, дон сотиш шартномавий режалари орқиси билан адо этилди. 6 ойдаги ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 3,6 триллион сўмликни ташкил этган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 640 миллиард сўмга кўп дегани.

Ҳукуматимиз ташаббуси билан 2013-2015 йилларда Фарғона вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш Дастури ишлаб чиқилган эди. Унга кўра, жами 473 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланиб, унинг умумий қиймати 243,8 млн. долларни ташкил этади. Лойиҳаларнинг бажарилиши натижасида 10376 та янги иш ўрни яратилади. Ҳозиргача 235 та лойиҳа амалга оширилди. Бундай ёруғ мисолларни ҳар соҳадан келтириш мумкин.

(Давоми 2-бетда.)

ФАРҒОНА: Янгиланишлар, юксалишлар, бунёдкорликлар



ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан

Шароит ва имконият етарли фақат ишга масъулият билан ёндашиш зарур

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи ҳамда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, агроф-мухитни муҳофиза қилиш масалалари бўйича доимий комиссиянинг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда дастлаб Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг Тошкент вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Масала юзасидан вилоят фермерлар Кенгаши раиси Тўлқин Тўраевнинг ахбороти эшитилди. Таъкидландики, вилоятда Фармон ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларни ҳар жиҳатдан ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани. Жорий йилда вилоятда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича дастур қабул қилинди. Унга асосан, шу йилнинг ўзида 2256 та кўп тармоқли фермер хўжалиги ташкил этиш, шунинг ҳисобидан 11 мингдан ортиқ иш ўрни яратилиши керак.

Вилоят ва туман фермерлар Кенгашлари томонидан фермерларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани. Бироқ айрим мутасадди ташкилотлар томонидан бу бо-

мажбуриятларини бажармагани сабабли ёқилги-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғит ва бошқа харажатлар учун олинган кредит қарзларни ёпишда муаммолар туғилмоқда.

Депутатлар масала муҳокама-сидан сўнг муаммоларни ечишга қаратилган тақдирларини билдиришди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Саидислом Сайдуллаевнинг фикрича, мазкур йўналишдаги хато ва камчиликларнинг олдини олиш учун тегишли ташкилот ҳамда тузилмалар масъулиятини, керак бўлса, жавобгарлигини ошириш зарур.

— Депутатлик гуруҳимиз бу масалага эътибор қаратгани бежиз эмас, — дейди ЎзХДП Тошкент вилоят Кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Сирожиiddин Аъзамов. — Аграр соҳада фермерларнинг юқори сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга бўлган қизиқиши, моддий фаровонлигини таъминлайдиган ердан фойдаланишнинг мақбул тизимини қўллашга

қўмаклашиш борасида ЎзХДП Дастурида қатор вазифалар белгиланган. Демак, фермерлик фаолияти ривожланишини қўллаб-қувватлаш, фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган минглаб қишлоқ аҳолисининг манфаатлари, ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилиш биз учун муҳим масала. Шу боис ҳар бир депутат ҳудудларда фермер хўжаликлари фаолиятида юзага келаётган масалаларни чуқур ўрганиши, уларни ҳал этиш юзасидан тақлифлар шакллантирилишида фаол қатнашиши зарур.

Мамлакатимизда сўғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш ва ер маҳсулдорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Негаки, бу масала мамлакат иқтисодиётини юксалтириш билан бевосита боғлиқ. Шу боис ерларнинг захини қочириш, соғломлаштириш, ариқ-зовурлар, коллекторларни қайта тиклаш, реконструкция қилиш ва тозалаш ишлари кенг қўлама амалга оширилмоқда. Бироқ, шунга қарамай, баъзи ҳудудларда ерларнинг табиий унвдорлиги пасайиши, шўрланиш ва сизот сувларнинг кўтарилиш ҳолла-

ри учраб турибди. Бу эса қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги пасайиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларнинг даромадлари камайишига олиб келади. Демак, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тadbирлари изчил олиб борилиши устидан маҳаллий вакиллик ҳокимияти назоратини кучайтириш талаб этилмоқда.

Йиғилишда, шунингдек, Чирчик-Охангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология мелиоратив экспедиция бошлиғи Уйғун Очиловнинг вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар бўйича ҳисоботини тингладик. Шу асосда «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонининг Ўрта Чирчик, Қуйи Чирчик ва Юқори Чирчик туманларида ижро этилиши ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Депутатлар, мутасадди ва мутахассислар мазкур туманларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишларни бирма-бир таҳлил қилди. Коллектор, дренаж тармоқларини таъмирлаш, тиклаш ишлари, ҳудудий дастурларга киритилган лойиҳалар ва уларни амалга ошириш меҳнатчилари ҳақида атрофлича сўз юритилди. Фармон ижросини таъминлаш жараёнида учраётган камчиликларни ечишга қаратилган тақлифлар билдирилди.

Қўшма йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Анжуман

Долзарб масалага бағишланди

Бухоро вилоят адлия бошқармасида давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда Бухоро ва Самарқанд вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажриба амалга оширилаётгани натижасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ахборот хизматлари фаолияти такомиллашгадигани, аҳолининг веб-сайтлар орқали турли ахборотлар олишга қизиқиши ортб бораётгани қайд этилди.

Тadbирда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнида соҳага оид қонун ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилиш, фуқаролар йиғинининг маълумотларини тегишли давлат статистика, солиқ хизмати органларига етказиш, белгиланган шакл ва тартибда фуқаролар йиғинларининг реестрини юритиш ҳамда уларга зарур маълумотларни киритиб бориш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

ЎЗА

2013 йил — Обод турмуш йили

Меҳнат қилсанг, роҳат кўрасан

Бозорларимизнинг мўл-кўллиги, озиқ-овқат маҳсулотларининг арзонлиги аҳолининг ўз томоққаларидан самарали фойдаланишига ҳам боғлиқ.

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги «Арна бўйи» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда истиқомат қилувчи Худойбергеновлар оиласини кўпчилик яхши билади.

Хонадон эгалари ўз томоққасида етиштирилган мева, сабзавот, полиз экинлари билан нафақат ўз оиласини, балки қўни-қўшниларни ҳам баҳраманд этиб, ортб қолганини бозорга чиқаришади. Натижада улар оила бюджетини мустақ-

камлаш билан бирга, ушбу маҳсулотларнинг бозордаги нархлари арзонлашуви ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Ўзинг етиштирган ҳосилнинг мазаси бошқача бўлади, — дейди оила бошлиғи Шавкат Худойбергенов. — Ерга меҳр берсанг, у сени тўйдирди. Фарзандларимга болалигидан меҳнат қилишни ўргатганман.

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

